## Сўранг, жавоб берамиз

**Қайси тоифадаги фуқаролар ишга жойлашишда қўшимча имтиёзларга эгалар? Шу тўғрида маълумот берсангиз.**

**Х.Мавлонов.**

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга ишга жойлашишда қонунчиликка биноан қўшимча кафолатлар берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги ҳақида»ги қонунида ногиронларга қўшимча имтиёзлар берилган бўлиб, унга биноан иш берувчи шу корхонадаги квоталанган иш ўрни ҳисобига ишга юборилган ногиронни ишга қабул қилмаслиги мумкин эмас.

Иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахсларга — ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ёки ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда кўп болали ота-оналарга, таълим муассасаларини битирган ёшларга, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатилганларга, ногиронлар ва пенсия ёшига яқинлашиб қолганларга, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, иш ўргатишнинг махсус дастурини ташкил этиш, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун кўрсатилган тоифадагилар учун ишга жойлаштириш минимал иш ўринларини белгилаб қўйиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар билан қўшимча кафолатлар берилади.

* * *

**Мен юридик шахс мақомини олмасдан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман. Аниқроғи, ўз уйимда жувоз орқали ёғ ишлаб чиқараман. Ишимда электр токи кераклиги сабабли, йил бошида туман электр идораси билан шартнома имзолагандим. Лекин у ердагилар йил мобайнида шартнома шартларини қўпол равишда бузиб, кўп марта гоҳида ҳафталаб электр энергиясини тежаш мақсадида токни узиб қўйишди. Оқибатда ишимни вақтида олиб боролмадим. Энди эса электр таъминоти идораси ўзининг бу ноқонуний ҳаракатини тан олмай, шартномада белгиланган суммани тўлашга мажбур этмоқда. Шу тўғрими?**

**Ф.Асқаров.**

Агар сиз билан туман электр таъминоти идораси ўртасида тузилган шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, энергия ҳақи истеъмолчи амалда фойдаланган миқдор учун тўланиши лозим. Шартнома бўйича электр таъминоти идораси бутун мавсум давомида ток билан таъминлашни зиммасига олган бўлиб, ўз мажбуриятларига тўлиқ амал қилмаслиги натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни, шунингдек бой берилган фойдани мазкур идорадан ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этишингиз мумкин.

* * *

**Айрим вақтларда кўзларимиз остида халқалар пайдо бўлиб қолганини кўрамиз. Бунинг сабаби нимада?**

**М.Усмонова,**
**Н.Раҳматова.**

Кўзлар остидаги халқалар «халталар» шунингдек, доирачилар баъзи анатомик хусусиятлар оқибатида юзага келади. Гап шундаки, кўз қовоқлари териси билан тери ости тўқималари орасида юпқа мембрана пардаси бўлади. Баъзиларда у камроқ, баъзиларда юпқа ва шаффоф бўлиши мумкин.

Ушбу мембрананинг янада юпқалашиб бориши — ёғ тўқимасининг тўғри тери остига чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун тиббиёт ходимлари кўзлар остидаги «халтача»ларни грижа деб аташади.

Кўзлар остида қора доираларнинг пайдо бўлишидан (қон томирлари кўриниб қолиши шундан) «халтача»лар юзага келишигача анча вақт ўтиши мумкин. Ёмон стресслар, кам ҳаракатли ҳаёт тарзи ҳамда шу жойдаги тери парваришининг йўқлиги бу жараённи тезлаштиради. Косметологларнинг таъкидлашларича, кўз ости териларининг парваришига 20-25 ёшдан киришиш керак.

Оддий намлантирувчи кремларни эмас, махсус малҳамлар — лосьонлар, топиклар — таркибида махсус ёғлар бўлган кремлардан фойдаланишлари лозим. Шунингдек коллаген, эластик, шалурон кислоталар ҳам фойдали.

Халқ табобатидаги усуллардан бири эса сметана ва петрушкадан ниқоб тайёрланади. (2 чой қошиқ сметана ва 1 чой қошиқ майдалаб чопилган петрушка) ва у суртилади. Қайнатилган картошкани илиқ-иссиқ ҳолда пўсти билан тери устига қўйиб ёпиштирилади. Бунда ҳарорат баланд бўлмаслигига эътибор бериш лозим. Бу муолажалар кўз ости салқишини камайтиради ҳамда қон айланишини яхшилашга хизмат қилади.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**





**Боғчалар ҳам таълим-тарбия маскани ҳисобланади. Болажонлар бу ерда турли хил қизиқарли ўйинлар ўйнаб, машғулотларда қатнашиб кўнгилли дам оладилар.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ИЛТИМОС...

Илтимос ҳар хил бўлади. Баъзиларини бажариш имкони бор, баъзиларини эса... Табиийки, илтимосчи иложи борича сиздан ижобий жавоб кутади. Афсуски сизда унинг истагини қондириш имкони йўқ. Рад жавобини беришга эса қийналасиз, чайналасиз. Илтимосчи агар ориятли бўлса дарҳол вазиятни тушунади. Сизни мушкул аҳволдан қутқаради. Аксинча...

— Мен сизни яхши танийман. Дилкаш мақолаларингизни битта қўймай ўқиб бораман. Инсоний муносабатлар ҳақида кўп ва хўб ёзасиз. Албатта ўзгаларга иложи борича ёрдам беришга қодир инсонгина шундай битикларни ёза олади, тўғрими? Мен ҳам олдингизга бир илтимос билан келдим.

Хонага кириб келган ўрта ёшли бу кишининг томдан тараша тушгандек гапни шу тарица бошлаши бироз бўлсада, бизни шошириб қўйди.

— Олдин ўзингизни таништиринг. Қўлдан келса илтимосингизни албатта қондиришга ҳаракат қиламиз.

— Очиғи, сизга айтсам ўзим ҳам туппа-тузук қалам соҳибиман. Лекин шароит тақозоси билан бошқа касбни — ошпазликни танлаганман. Қонда бор шекилли кенжатой қизимиз шеъриятга меҳр қўйган. Туну кун бош кўтармай шеър, ғазал ёзади. Бир-иккитасини ўқиб кўрсам бинойидек қўлидан келиб қолибди. Шундан беш-олтитасини саралаб, олдингизга олиб келдим. Энди шоира қизимизга бир оталик қилиб шеърларидан гулдаста сифатида беш-олтитасини жамлаб газетангизда чиқариб берсангиз ҳар қалай савоб иш қилган бўлардингизда.

— Шоира қизимизнинг ўзлари келмабдилар-да.

— Бундай катта даргоҳларнинг эшигини очишга ҳали ёшлик қилади. У энди учинчи синфда ўқияпти.

— Ёш экан, дастлабки машқларини «Тонг юлдузи»га берса бўларкаң.

— Э, қўйинг шу газетни қатнайвериб чарчадим. Уларнинг ўзи шеър нималигини яхши тушунишмайди шекилли ҳар гал келсам «Шеър ҳали хом, пишитиш керак», дейишади. Охири «Нима бу сенларга ошмидики, етилтириб, пишитиб лаганга сузадиган», дедиму эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетдим. Уларнинг ёш талантларга муносабатини қаранг. Хуллас, «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», дея сизни паноҳ тортиб олдингизга келдим. Йўқ демай, устозлик қилиб бир қўллаб юборасизда энди. Агар иложи бўлса сўз боши сифатида оқ йўл тиласангиз ҳам майли.

Ушлаган жойидан кесадиган, елимдек ёпишқоқ одамга «Эрта келинг, индин келинг», дейиш беҳуда. Шуни ўйлаб ноилож унинг қўлидаги «гулдаста»ни олиб ўқишга тушдим. «Ватан» ҳақидаги биринчи шеърни ўқишим билан сўради.

— Қалай маъқулми? 9 ёшли қизалоқнинг Ватан ҳақида шундай сўз айтишининг ўзи донолик.

Бош тебратиб иккинчи шеърини ўқишга тушдим. Шеър эмас, қуруқ гап. Гап бўлганда ҳам на боши бор, на охири.

Ҳаммаси шунақа. Чиройли қофияли шеърлар. Бу ёғини ўқимай олиб қолаверсангиз ҳам бўлаверади. Чиқадиган кунини хабар қиларсиз. Агар имконият бўлса қизимизнинг шеъри босилган газетадан уч-тўрт нусҳа олиб қўйсангиз, олиб кетаман.

Суҳбатдошим ўрнидан туриб хайрлашиш учун қўлини узатди.

—Сиздан бир илтимос, — дедим мен ниҳоят, — олдин қизингиз бу шеърларини мактаб деворий газетасида чиқаришга уриниб кўрсин. Бироз машқ қилиб битиклари шеър холига келгач кейин газетада чоп этишимиз қочмас. Ана ўшанда қизалоққа оқ йўл тиласак арзийди.

«Гулдаста»ни суҳбатдошим қўлига тутқаздим. У турган жойида анча туриб қолди.

— Вой, тавба. Булар шеъриятни тушунмайдиган қанақа оми одамлар ўзи? Ёмғирдан қутулиб қорга мурожаат қилибман шекиллида. Шундай шеърни сиз босмасангиз жон-жон деб босадиган бошқа газеталар топилиб қолар.

Кейин у қандай шитоб билан кирган бўлса, шундай тезлик билан хонадан чиқиб кетди.

## ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

Яқин бир қариндошимиз наҳорги ошга таклиф этди. Бордик. Тўй шаҳардаги шохона ресторанлардан бирида ўтяпти. Дастурхон ҳам шунга яраша безатилган. Ундан энг сара қимматбаҳо нозу-неъматлар ўрин олган. Ҳар қатори 20 кишига мўлжалланган столнинг икки жойига турли хил ичимликлар чиройли қилиб териб қўйилган. Улар орасида ароқнинг анвойи хилидан тортиб коньяккача бор. Номдор хонанда ва созандалар даврага файз киритиб ўтиришибди.

Катта-кичик иккита залга кириб чиқаётганларнинг кети узилмайди. Даврани бошқараётганлар шундай катта издиҳомни қойилмақом қилиб эплаштириб туришибди. Ҳар бир киши уларнинг эътиборида. Иззат-икром билан кутиб олиниб керакли жойга ўтказиляпти. Келганларга пешма-пеш чой, кетидан лаганда ҳовури чиқиб турган қовурғали сомса тортилади. Ундан кейин эса усти ёғ, гўштга тўла ёнида бир нечта япроқланган қазиси билан лаганда ош келтириляпти.

Бадастир дастурхонда фақат бир нарса етишмайди. У ҳам бўлса нон. Даврада елиб-югуриб хизмат қилиб юрганлар шошилинчда шунисини унутишган чоғи. Ўтирганлардан бирови хизматчилардан бирига деди.

— Укажон, илтимос, агар имконият бўлса, бир-иккита нон берсангиз.

Хизматчи дастурхонга қаради-ю қизариб кетди.

— Ие, кечирасиз. Ҳозир.

У югургилаб бориб патнис тўла пиёзли, жиззали, седанали нонларни кўтариб келди. Нонлар бир зумда қўлма-қўл узатилди. Дастурхонга янада файз кирди.

— Нonнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди-да, — деди кимдир олдидаги бўрсилдоқ нонлардан бирини ушатаркан.

— Нимасини айтасиз. Нонга улуғ неъмат деб бежиз таъриф беришмаганда ахир, — унга қўшилди ошга қўшиб нон чайнаётган меҳмонлардан бири.

## ИСТАГИМИЗ ШУКИ ...

Яхши ҳам оғиримизни енгил қиладиган бозорлар бор. Дам олиш куни бўлди дегунча аёлингиз қўлингизга тўрхалта тутади.

—Бугун бўш кунингиз отаси. Бир бозорга бориб палон-палон нарса олиб келинг, кейин билганингизни қиларсиз.

Қайси бозорга борсам экан, қаерда хотин берган «буюртмалар» арзонроқ экан, деб ўйланиб қоласиз. Кейин беихтиёр «Эски Жува» ёки «Қўйлиқ» бозорини танлайсиз. Ҳар қалай ўша жойларда маҳсулотлар бошқа бозорларга нисбатан бироз арзонроқда. Борди-ю уйингизга кутилмаганда меҳмонлар ташриф буюриб қолса борми? Вақт тиғиз, албатта қиммат бўлса ҳам ўзингизга яқин бўлган бозорга чопасиз.

«Олой» бозори суперликда ном чиқарган. Расталарда ранг-баранг маҳсулотлар. Улар шу қадар чиройли қилиб териб қўйилганки, қараб кўзингиз қамашади. Ўзига оро берган сотувчи аёллар эса бир қарашдаёқ сизнинг эътиборингизни жалб этади.

— Келинг акажон, олмасангиз ҳам бир кўриб ўтинг маҳсулотимизни. Кўришга пул сўрамаймиз.

Унча-мунча одам сермулозамат аёлларнинг бу таклифини рад этиши амри маҳол. Беихтиёр ўша томон бурилаcиз.

— Олинг, сизга арзон қилиб бераман, муллака.

Ноилож маҳсулотлар баҳосини бир чеккадан сўраб-суриштирасиз. Сотувчининг «арзон» нархини эшитиб ақлингиз оғади.

Жуда қимматку, — дейсиз уялганингиздан аранг оғиз очиб.

— Сифатини кўриб турибсизку. Бу супер маҳсулот-да, акажон.

Униси бўлмаса бунисидан олинг, мазмунида сизга жилмайиб турган ён томондаги сотувчидан маҳсулот нархларини сўрайсиз. Яна ўша гап. Бошқалар ҳам шу нархни айтишади. Тавба, булар нарх-навони атайлаб олдиндан келишиб олганми, деган хаёлга борасиз.

Хуллас шу куни талашиб-тортишиб бўлса-да бирни иккига харид қилиб икки килограмм олма, икки килограмм нок, икки килограмм анор олдик.

«Олой» бозорининг донғи республикага кетган. Бу ерга нафақат Ўзбекистонимиздан, балки чет эллардан ҳам меҳмонлар тез-тез ташриф буюриб туришади. Бозор тоза, озода, маҳсулотлар ҳам сара. Лекин нархлардаги тафовут бошқа бозорлар билан солиштирганда анча-мунча қиммат. Истагимиз шуки, у фақат маҳсулотлар сифати билангина кўргазмали бўлиб қолмасдан, балки ҳамма томонлама кўргазмали бўлса деймиз.

## «ОГ»: ҳодисалар

◆ Собир Раҳимов тумани ҳудудида босқинчилик жиноятини содир этиб, ўзгага тегишли бўлган автоуловни эгаллаб олиб қочишга уринган уч нафар жиноятчи милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Турсунхўжаев номидаги Тошкент тиббиёт билим юртининг талабалари — Мақола кўчасида яшовчи И. Санжар ва Сағбон кўчасида истиқомат қилувчи И. Акмал ҳамда Изза кўчасида яшовчи Т. Фаррухлар шаҳримизнинг Навоий кўчасидаги Алишер Навоий номидаги маданият саройи олдида Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Алишер Навоий кўчаси, 9-уйда истиқомат қилувчи И. Ғуломов бошқарувидаги «Тико» русумли атоуловни тўхтатишиб, Қорасарой кўчасига етиб олишлари учун 800 сўм йўл кира ҳақига ўзаро келишадилар. Машинага ўтириб олгач эса ҳайдовчига шу ерда тўхтатишини илтимос қиладилар ва тўсатдан унинг бўйнига чанг солиб, бошига ғишт бўлаги билан уриб, тан жароҳати етказадилар. Сўнгра жабрланган машина эгасини шу ерда қолдирадилар-да, унинг «Тико»сини ҳайдаб қочиб кетадилар. Ушбу воқеа тўғрисида хабар топган милиция ходимлари зудлик билан «Тутиб олиш» махсус тадбири жараёнида жиноятчиларнинг йўлларини тўсиб, уларни қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Ҳозирда босқинчилар устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

◆ Ҳамон орамизда ўзига фирибгарликни касб қилиб олган кимсалар учраб турибди. Яқинда Юнусобод тумани Ички ишлар бошқармаси ходимларининг кўрган саъй-ҳаракатлари натижасида ана шундай жиноятчилардан бирининг қилмиши фош этилди. Бирон жойда ҳалол меҳнат қилишга бўйин товлайдиганлар сирасига кирувчи ТошГРЭС даҳасида истиқомат қиладиган Ж. Рухсора исмли бу фирибгарнинг Слоним кўчаси, 7-уйда яшовчи фуқаро А. Акопянни «уй олиб бераман» деб алдаб, унинг 1500 АҚШ долларини олиб, қайтариб бермасдан юрганлиги маълум бўлди. Эндиликда мазкур ҳаракатнинг нечоғлик қонунга ҳам тўғри келмаслигини англаган ваъдабоз қаттиқ пушаймонда.

◆ Чилонзор туманидаги мавзелардан бирида яшовчи Т. Эргаш исмли бир шахс ҳам ўз манфаати йўлида кишиларнинг ишончини суиистеъмол қилишга ҳам тайёр эканлигини кўрсатиб қўйди. У ушбу мавзедаги 30-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Нишоновга 15-сонли автоулов тўхташ жойида гараж қуриб бераман деб, унинг 700.000 сўм пулларини қуртдай санаб олса-да, аммо ваъдасининг устидан чиқмай ҳамда пулларни ҳам ўз эгасига қайтармасдан юраверган. Фирибгарнинг ушбу қилмишидан тоқати ток бўлган жабрланувчи милицияга мурожаат қилгач, айбдор ҳозирда қонун олдида тегишли жавоб бермоқда.

◆ Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 20-уйда истиқомат қилувчи фуқаро У. Салимов ўз ҳовлисидаги омборхонасида ўғрилик жинояти содир этилганлиги тўғрисида ички ишлар бўлимига хабар берди. Воқеа жойида ҳозир бўлган туман ИИБ тезкор гуруҳи вакилларининг кўрган чора-тадбирлари натижасида ўғри аниқланди. Қарийб 500000 сўмга яқин ўзгага тегишли турли хил буюмларни ўғирлаган, ушбу кўчада яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган Н. Шокир энди афсус қилмоқда.

◆ Яккасарой тумани ҳудудидаги Усмон Носир кўчаси, 78-а-уйда жойлашган «Абсидиан» хусусий дўконининг томини тешиш йўли билан ичкарига кириб олиб, у ердан «Меркурий 115-F» русумли бир дона фотоаппарати ва 100000 сўм миқдоридаги пулларни ўмарган жиноятчи ҳам милиция ходимлари томонидан далилий ашёлар билан ушланди. У бирон жойда ҳалол меҳнат билан шуғулланмайдиган, Боткин кўчасида яшовчи А. Равиль экан.

◆ Инсоният саломатлигига кучли салбий таъсир кўрсатувчи гиёванд моддалари олди-сотдиси билан шуғулланувчи айрим нопок кимсалар ушбу қалтис ҳаракатлари туфайли нафақат ўзларини, балки бошқаларни ҳам қабоҳат сари етаклайдилар. Шу боисдан ҳозирги кунда барча ақли расо кишилар бу каби хавфли жиноятга қарши кескин равишда курашмоқдалар. Яқинда пойтахтимизнинг Миробод тумани ИИБ ходимлари томонидан Қўйлиқ кўчасидаги 10-уйнинг олдида ҳеч қаерда ишламайдиган, шу кўчада яшовчи К. Тўхтамурод исмли кимса ушланиб, унинг ёнида 4,43 грамм марихуана моддаси борлиги аниқланди.

◆ Сергели-3 мавзесидаги ер ости йўлида олиб борилган махсус тадбир жараёнида ҳам ички ишлар ходимлари яна бир оғуфурушни қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Сергели-2 мавзесида яшовчи муқаддам судланган бўлса-да, ҳанузгача бирон жойда ишламайдиган М. Русланнинг ёнидан 3,21 грамм марихуана моддаси олинди. Ҳозирда ушбу оғуфурушлар қонун олдида жавоб бермоқда.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.**

**• ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ**

# Ўз касбининг устаси



Қадрдон дўстимиз тўйга айтди. Таклифномага кўз югуртирсак тантана «Наврўз» ресторанида ўтиши ёзилган.

Белгиланган кун «муборак бўлсин» қилиб бордик. Шоҳона безатилган залдан ўз ўрнимизни эгалладик. Столлар батартиб. Дастурхон бадастир, уни безаб турган турли хил пишириқлар, чиройли ликобчалардан ўрин олган ранг-баранг салатлар кўзни қамаштиради. Дастурхонни безаш ҳам ўзига хос санъат-да. Бугун бу вазифани бажарганлар ўз юмушларини аъло даражада уддалаганликлари шундоқ кўриниб турибди. Беихтиёр ўз касбининг моҳир устаси бўлган қўли гул пазандалар кимлар эканлиги билан қизиқдик. Ивир-шивир билан бошланган бу саволга ўтирганлардан бири жавоб берди.

— Улар устоз пазанда Карим ака Усмоновнинг шогирдлари. Мен у кишини яхши биламан. Керак бўлса таништириб қўйишим мумкин.

Табиийки, шу куни Карим ака билан учрашиб, суҳбатлашиш имкони йўқ эди. Шунинг учун унинг яшаш манзили, уй телефони рақамини ёзиб олдик.

Эртаси Карим аканинг уйига қўнғироқ қилсак, гўшакдан аёл кишининг овози эшитилди.

— Ишга кетганлар.

— Бизга ишхона телефон рақамларини беролмайсизми?

— У киши бир жойда ўтирмайдилар. Баъзан «Наврўз»да, баъзида эса бошқа ресторанларда бўладилар.

Яна орадан 2-3 кун ўтиб Карим ака Усмонов билан юзма-юз кўришиш имконига эга бўлдик.

— Оддий пазандада газетага айтарлик нима гап ҳам бўлиши мумкин. 40 йилдан бери ўрта махсус билим юртларида, коллежларда ёшларга пазандалик сирларини ўргатаман, сабоқ бераман. Олдин савдо техникумининг технология бўлимини, кейин Самарқанд матлубот институтини тугалладим. Бор гап шу, — деди у гапни қисқа қилиб.

Ўта камтар ва камгап одамдан сўз олиш қийин кечади. Сиз гапни қалаштираверасиз. У узуқ-юлуқ ва қисқа жавоб бераверади. Қайсидир саволингиз нишонга тегиб қолсагина унинг қулфи-дили очилиши мумкин. Қачонки гап Франция сафарига келганда Карим ака очилиб кетди.

— Нимасини айтасиз. Франциядан бир олам таассуротлар билан қайтдик. Қисқа муддат ичида кўрган-кечирганларимизни батафсил ҳикоя қилиб бўлмайди. Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2000 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО томонидан Францияда ўтказилган байрам тантаналарида қатнашиш шарафига муяссар бўлганлар орасида мен ҳам бор эдим. Ўшанда қардошларимизга ўзбек миллий таомларини манзур қилиш билан бирга биз каби касбдошларимизга уларни тайёрлаш сирларини ҳам ўргатиб қайтганмиз.

...Асом ота ва Ханифа оналар 6 фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Ўғил-қизларнинг ҳаммаси турли касбларни танлашди. Фақат Каримжонгина ёшликдан пазандаликка меҳр қўйди. Қариндош-уруғлар, қўни-қўшни, дўст-биродарларининг тўй-туркунларида ўзича дастурхонларни безаб юрди. Ўрта мактабни битиргач шу соҳада ўқишни давом эттиришга жазм этди. Фарзанд орзусига ота-она қаршилик қилмади. Унга «ниятинг йўлдошинг бўлсин» дея оқ фотиҳа беришди.

— Техникумни битиргач ўша вақтдаги ўқув юрти раҳбаримиз Болта Шарипов мени шу ерда қолиб ёшларга пазандалик асосларидан дарс бериб, ишлаб чиқариш машғулотларига бош-қош бўлишимни таклиф этди. Розилик билдирдим. Ўшандан бери ҳаётимни ёшлар билан бирга боғлаганман. Гарчи ўтган йили карилик таътилига чиққан бўлсам-да шогирдларим барибир уйда ўтиришимга йўл қўйишмади. Ўзлари билан ишлашга таклиф этишди. Ҳозирда шаҳримиздаги бир нечта ресторан ва ошхоналарда ишлаётган пазанда йигит-қизларнинг касб маҳоратларини оширишга баҳоли қудрат ёрдамлашиб келаман.

Оиламда иккита қизим бор. Ҳусния ва Мамлакатлар турли соҳаларда ишлашади. Аёлим Матлуба ва мен олтита ширин-шакар набираларнинг бобо ва момосимиз.

Карим акадан шогирдлари ҳақида сўраганимизда: «Улар жуда кўп. Қай бирини айтай» деган жавобни берди. Фақат улар орасида Ўткир Даминов, Ҳожиакбар Усмонов, Насрулло Муҳиддиновларнинг номларини келтириб ўтди.

— Мен бахтини меҳнатдан топган инсонман, — деди Карим ака. — Шогирдларим менинг издошларим. Улар билан фахрланаман.

Карим ака Усмонов тинмай меҳнат қилди. Ёшларга ўзбек ва Европа миллий таомларини тайёрлаш сир-асрорларини қунт билан ўргатди. Унинг қўлида таҳсил олган ўқувчилар бугунги кунда раҳбарлик лавозимларида, хусусий тадбиркорлик, турли ресторан ва ошхоналар бошлиқлари бўлиб ишлашмоқда.

Карим ака 1966-78 йилларда «Иссиққўл» ва «Ялта» дам олиш пансионатларига тез-тез таклиф қилинди. У ерда ҳам моҳир пазанда ёш ошпазлар билан 3-4 ойлаб амалий машғулот ўтказиб қайтди. Шу йиллар орасида Донецк шаҳрида ҳам бир неча бор ижодий сафарда бўлиб Савдо техникуми талабаларига ошпазлик ва пазандалик асосларини ўргатди. Унинг самарали меҳнатлари муносиб тақдирланди. Бугунги кунда у «Савдо аълочиси», «Халқ таълими фидойиси» нишонлари ва «Уста ошпаз» унвонига эга.

Карим ака билан суҳбатлаша туриб беихтиёр бир ривоятни эсладик. Икки мамлакат ҳукмдорлари амри билан ўртада бир йилга қадар давом этган урушда иккинчи томон кўп йўқотишлар қилиб, кучсизланиб қолди. Сўнгги ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўрилар экан, кучсиз мамлакат подшоси бош ошпазни ҳузурига чақирди.

— Эрта биз учун ҳаёт-мамот жанги бўлади. Кам сонли сипоҳийлар билан сон жиҳатидан биздан анча кўп бўлган душманга тенг келишимиз қийин. Энди сиз бор маҳоратингизни ишга солиб шундай бир таом тайёрлангки, жангчилар сўнгги марта ундан қониб, тўйиб овқатланишсин, — деган буйруқни берибди. Ошпаз гўшт, ёғ ва сабзи-пиёзга гуруч аралаштириб бир анвойи таом тайёрлабдики, ҳамма уни суйиб-тўйиб ебди. Шу орада ўртада қирғин-барот жанг бошланиб, сипоҳийлар енг шимариб майдонга тушибдилар. Кам сонли жангчилар ўзларида пайдо бўлган ғойибона куч билан ғолиб мамлакат сипоҳийларини мағлуб этишибди. Кутилмаган ғалабадан мағрур ва масрур подшоҳ ўша онда бош ошпазни чақириб:

— Сиз тайёрлаган хосиятли таом бизга куч ва қувват бағишлади, — дея уни алқаб, муносиб тақдирлабди.

Чиндан ҳам ўз касбига меҳр қўйган ошпазларда ҳикмат кўп. Чунки улар умр бўйи хўрандалар раҳматига сазовор бўлиб, савоб оладилар. Устоз пазанда Карим ака ҳам ана шундай эл эътиборини қозонган ошпазлардан бири. У ҳозирда Ўзбекистон радиоси ва телевидениесида ҳам тез-тез чиқишлар қилиб туради. Бундай эшиттиришларда шогирдлари билан бирга уй бекаларига турли хил янги-янги таомлар тайёрлашни ўргатади.

— Агар ҳаётимни қайтадан бошлашга тўғри келганда ҳам барибир шу хайрли касбни танлаган бўлардим, — дейди Карим ака сўзининг охирида.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

**СУРАТДА: (чапдан биринчи) Карим Усмонов шогирдлари даврасида.**

**• ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА**

# Мунажжимлар башорати

**Қўй ( 21 март — 20 апрель).** Сиз учун ҳафта омадли бўлиши кутилмоқда. Кутилмаган нарсаларга эришишингиз мумкин. Ўйлаган режаларингизни албатта бажаришга уриннинг. Молиявий жиҳатдан омадли бўласиз. Иш фаолиятингизда янги ишлар бошлашингиз мумкин.

**Бузоқ (21 апрель— 20 май).** Ҳафта бошида бироз дам олиш керак. Ҳафта ўрталари сизнинг бўйнингизга катта масъулият юклайди, келажагингиз ҳақида бироз ўйлаб кўринг. Ўзингизга ишончсизлик кайфияти туфайли касбий фаолиятингизда баъзи бир кўнгилсизликлар бўлиши мумкин.

**Эгизаклар (21 май -21 июнь).** Ҳафта бошида кайфиятингиз ёмонлашади. Ҳафта ўрталарида дам олишга ҳаракат қилинг. Дам олиш кунлари фаол фаолият кўрсатинг. Бизнес соҳасида омад кулиб боқади. Оилангизда вақтинчалик тушунмовчиликлар юзага келади. Булардан ташқари кутилмаган ҳодисаларга тайёр туришингиз керак. Соғлиғингизни назорат қилинг.

**Қисқичбақа (22 июнь — 22 июль).** Ушбу ҳафтада яхши хабарлар эшитасиз. Бу вақтда кераксиз ҳамма нарсалардан воз кечинг. Нохуш ҳолатларни тарк этинг, ошқозонингизга дам беринг. Ҳафта ўрталари сиз учун жуда муҳим бўлиб, келгуси ҳаётингизни бирмунча ўзгартиради. Ўз кучингизга ишонишингиз керак. Пул келиши эҳтимоли бор. Оилангизда нохуш ҳолатлар кутилмоқда. Соғлиғингизга, ташқи кўринишингизга эътибор беринг.

**Арслон (23 июль — 23 август).** Ҳафта нохуш кайфият билан бошлансада, ҳафта ўрталарида дангасалик қилмасангиз, турли ишлардан эринмасангиз, омад сизники. Дам олиш кунлари ҳар бир ишни ўз фойдангизга ҳал қиласиз. Касбий фаолиятингизда молиявий томондан бахтли онлар (моддий ёрдам) бўлиши мумкин. Куч-қувватингиз ва имкониятингизнинг қадрига етинг.

**Паризод (24 август — 23 сентябрь).** Ҳафта боши кутилмаган тасодифларга бой бўлади. Муаммоларни келиб чиққан жойида ҳал этинг. Фақат ўз кучингизга ишонинг. Ҳафта ўрталарида сизга омад ва бахт кулиб боқиши мумкин. Дам олиш кунлари эса ундай эмас: тушунмовчиликлар, ишларни тугата олмаслик, дангасаликдан қутулолмайсиз. Умидингизни узманг. Ишхонада хушкайфият сиз томонда. Соғлиғингизга эътиборлироқ бўлинг.

**Тарозу (24 сентябрь — 23 октябрь).** Ҳафта омадли бошланади. Бу айниқса бизнес соҳасидагиларга тегишли. Дам олиш кунлари мавжуд муаммолардан қутулишни ўйланг. Кўнглингиз, юрагингиз ва қалбингизга қулоқ тутинг. Таваккалчиликдан қўрқманг. Оилангизда муносабатлар айтарли даражада яхши эмас. Ўзингизни ёлғиз сезасиз. Соғлиғингиз яхшиланади.

**Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь).** Ҳафта нохуш кайфиятлар билан бошланади. Кўнгилсиз ҳолатларни назорат қила олмайсиз. Ҳафта ўрталари режаларингизни амалга ошириш учун ёмон фурсат эмас. Дам олиш кунлари эса ҳаммаси янада яхшиланади. Иш фаолиятингизда сиздан қаттиқ интизом талаб этилмоқда. Моддий йўқотишлар бўлиши эҳтимоли бор. Муносабатларингизни яхшилаб олинг. Соғлиғингиз даволанишни талаб қилади.

**Ўқотар (23 ноябрь — 21 декабрь).** Ҳафта бошида сиз ўзингизни жуда эркин ҳис қиласиз. Ҳафта ўрталари жиддийроқ бўлинг. Дам олиш кунлари жавобгарликни ҳис этинг ва ўзингизни кўрсатинг. Касбий фаолиятингиз сиз ўйлаганчалик бўлмайди. Турли қарорлар чиқарманг ва мавжуд вазиятдан фойдаланмаганингиз маъқул. Моддий муаммолар ижобий ҳал бўлади. Янги ишлар бошласангиз ёмон бўлмас эди. Соғлиғингизга эътиборли бўлинг.

**Тоғ эчкиси (22 декабрь — 20 январь).** Ҳафта сиз учун оғир бошланади. Оилангизда нохушликлар кутилмоқда. Вазиятни тушунишга ҳаракат қилинг. Ҳафта ўрталарида турли муаммолар, касбий фаолиятингизда омад кутилмоқда. Фақат сиз шахсий ишингиз билан овора бўлиб кетманг. Соғлиғингиз яхшиланади.

**Қовға (21 январь — 19 февраль).** Ҳафта ўзингизга ишонган ҳолда бошланади. Ўзингизни сувдаги балиқдек ҳис этасиз. Ҳафта ўрталари турли соҳаларда омадли бўлади. Бу ҳафтада фаолроқ бўлинг. Жавобгарликни бўйнингизга олманг. Касбий фаолиятингизда вазият кескинлашади. Моддий томондан ҳам муаммолар кутилмоқда. Оилангизда шубҳалар юзага келади. Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ. Бу ҳафта ижод учун маъқул эмас.

**Балиқ (20 февраль — 20 март).** Ҳафта боши кутилмаган ҳодисаларга бой бўлади. Ҳафта ўрталари турли ишлардан кўнглингиз тўлмайди. Дам олиш кунлари тўла омадсиз кундир. Умуман бу ҳафта сиздан чидам ва матонат талаб этмоқда. Бизнес соҳаси учун қулай вақтдир. Касбий фаолиятингизда сизнинг қадрингизга етишади. Молиявий томондан бу ҳафта омадли кечади. Соғлиғингизга эътибор беринг.



# Оила даврасида

• ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

◆ Вафодор одамгина саодатга йўл топади.

◆ Яхши одам қалбидан гавҳар шодалари думалаб, яхшилик хазинасига келиб қўшилаверади.

◆ Нопок одам ҳар қандай одамни нопокликда айблайди.

◆ Ўзига ишонмаган одам қўлидаги тиллани шу тиллами, деб ҳадиксирайверади.

◆ Ақл бошқармаганда, нафс мана шу дунёни еб қўярди.

◆ Салом қанча олдин берилса, шунча яхши.

◆ Ҳаёт тегирмонидан янчилиб ўтмаган одам ўз вақтида етилиб пишмаган шолига ўхшайди.

◆ Бир умр ҳаётга шогирд бўлмоқ яхши, жойи келганда устозлик қилмоқ инсонийликдир.

◆ Ҳаётга шайдо кишигина тинчлик бўлишини истайди.

◆ Ҳаёсизлик умрни қисқартиради, оилани бузади.

**Азамат ШОКИРОВ тайёрлаган.**

• МУЛОҲАЗА

## Одобинг — зийнатинг

**Инсоннинг гўзаллиги аввало одоб-ахлоқ, билим билан белгиланади. Бундай хислатлар ҳар бир инсонга сув ва ҳаводек зарурдир. Чунки инсоннинг бу дунёдан олиб кетадиган бойлиги ҳам қилган яхшиликлари, ўқиган намозлари, тутган рўзалари ва унинг одоб-ахлоқидир.**

Бу савобларни кўпроқ олиб кетишни истаган ҳар бир киши қўлидан келганича ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун фақат яхшилик улашишни ўзига мақсад қилиб, ўзгаларнинг дилини, қалбини вайрон қилишдан қўрқмоғи лозим. Яхшилик қилган киши покланиб бораверади. Поклангани сари эса мушкуллари осонлашиб, ниятлари ушалаверади. Доно халқимизнинг шундай гапи бор: «Яхшидан — яхши, ёмондан — ёмон ният чиқади». Ҳа, ҳақиқатан ҳам яхши инсонлар ҳеч қачон ёмон ният қилишмайди. Улар доимо олға қадам ташлаб, ҳаётдан баҳра олиб яшайдилар. Нияти бузуқ кишилар ҳаётдан нолиб, дилини оғритиб яшайдилар. Албатта буларнинг бари тарбияга боғлиқдир. Яхши тарбия кўрган, одоби бўлган ҳар бир инсоннинг юзи ёруғ ва ўзига яраша ҳурматга эга бўлади. У ўз одоби билан ота-онаси, қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларининг меҳрини қозона олади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (м,с.а.в)нинг шундай гаплари бор: «Инсоннинг юзи унинг одобидир». Ҳа, ҳақиқатан ҳам, киши биринчи ўринга ўз одобини қўйиши керак. Чунки унинг гўзаллиги ҳам, устунлиги ҳам одоби, ахлоқи ва барча фазилатлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам инсон ҳар томонлама гўзал бўлишни истаса, у ҳолда дарҳол яхшилик ва эзгулик томон йўл олсин. Яратганга ёқишнинг энг яқин йўли ҳам яхшилик улашишдир.

Одоб, ахлоқ ҳақида қанча гапирмайлик, бари оз. Яхшиси ҳозирги, яъни XXI аср ёшларининг тарбияси ҳақида бир оз ўйлаб кўрайлик.

Аввало гапимни ҳозирги ёш қизлар тарбияси ҳақида бошласам. Тўғри қизлар тарбияси, одоби баъзан ижобий томонда эмас. Баъзи қизларнинг ота-онага бўлган ҳурматсизлиги, дўстга бўлган садоқатсизлиги ва энг асосийси қизларга хос ибо, ҳаё йўқолиб бормоқда. Хиёбонларда, кўчаларда юрган қизларга назар ташлайлик. Уларнинг ҳаддан ташқари кулиб, қаттиқ гаплашиб ва қўпол ҳаракат қилишлари албатта хунук кўринади. (Яна шундай қизлар бўладики, улар кечқурунлари ота-онасига дугонасиникига бориб келишни баҳона қилиб, қаерларга бориб келмайди. Уларнинг бу хислатларини таърифлашга тил ожизлик қилади). Лекин бу қизлар касофатига бошқа қизларни айблаш нотўғри деб ўйлайман. Қизларни ҳадеб ёмон дейишларини менимча ҳамма қораласа керак. Чунки Ўзбекистонда ва умуман бошқа жойларда ҳам иболи, одоб-ахлоқли, ички кўриниши ниҳоятда гўзал ва бир сўз билан айтганда олижаноб фазилатли қизлар йўқ эмас.

Шундай қизлар борки, уларнинг фазилатларини қанчалик таърифламайлик барибир оз бўлиб кўринади. Улар ҳатто ўғил болаларга нисбатан мард, оқил бўлишади. Бундай қизларда меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, талабчанлик, изланувчанлик бўлиши албатта аниқдир. Тўғри бундай хусусиятлар фақатгина қизларга хос эмас, балки болаларда ҳам бу хусусиятларни кўриш мумкин. Улар ҳам мард, ботир ва энг асосийси бир сўзли бўлишади. Лекин, афсуски ҳаммаси эмас. Ҳозирги йигитларимизда бир сўзда турмаслик, ота-онани рози қилмаслик, ҳурматсизлик, вафосизлик, меҳр-оқибатсизлик каби хислатларнинг кўпроқ учраши кузатилмоқда.

Мана ҳозир XXI аср ёшларининг тарбияси ҳақида танишиб чиқдик. Албатта бу бизнинг шахсий фикримиз. Энди ёшларнинг ёмон йўлларга кириб кетишига сабаб нима экан? деган савол туғилади.

Менимча бунинг сабаби ота-онанинг фарзандига бўлган эътиборсизлигидадир. Ҳозир кўп ота-оналар пул топай, боламни боқай деб ўзига ташвиш орттиришмоқда. Бу ерда ота-она боламнинг кам-кўстини қилай деса, фарзанди эса ўйинкулги билан овора бўлади. Албатта ҳамма ота-оналарни айблай олмаймиз. Чунки баъзилари ҳам ишни, ҳам фарзанд тарбиясини вақтида бажармоқдалар. Яна шундай ота-оналар бўладики, улар ўз фарзандига ҳаддан ташқари кўп пул ёки қиммат кийим, тилла тақинчоқлар олиб беришади. Натижада бола дунёқараши ўзгаради. Энди у ўз тақдирини, келажагини ўйламайди. У фақат ота-онасига суяниб яшайди. Тарбияси эса албатта ёмонлашиб бораверади.

Демак, XXI аср ёшларининг келажаги, тақдири уларнинг ота-оналарига, устозларига, дўсту дугоналарига боғлиқдир.

**Азизахон ЗАЙНУТДИНОВА, фалсафа фанлари номзоди, доцент.**

• ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

## Қўша қариш бахти

**Инсон ҳамиша эзгуликка интилади. Эзгулик мезонларидан бири оилавий ҳаётда қўша қариш бахтидир. Эр-хотиннинг бир-бирларини тушуниб яшашлари гўзал оила гулшанини барпо этади. Оила қўрғонининг мустаҳкамлиги, фарзандлар камолини кўриш, пиру-бадавлат яшаш инсон умрини узайтиради.**



Оллоҳ ҳар кимнинг феъли атвори, пок ниятига яраша бисёрлик ато этади. Ана шундай таърифларга лойиқ инсонлардан бири Ғани хожи ота ва Моҳитальат аядирлар.

Ғани ота Алиев моҳир педагог, журналист, ўнлаб дарслик, элликдан ортиқ ўқув дастурлари ва қўлланмалар муаллифи. Энг муҳими ибратли оила бошлиғи. Оилада 8 фарзанд — 6 ўғил ва 2 қизни комил инсонлар этиб вояга етказишди. Фарзандлар ҳам ҳозирги кунда ота-оналари каби бахтли-саодатли, жамиятимиз учун фойдали инсонлар бўлиб фаолият кўрсатишмоқда. Табаррук инсонлар Ғани хожи ота ва Моҳитальат аялар 8 фарзанд, 40 набира ва эваралари даврасида кексалик гаштини сурмоқдалар. Шаҳримиздаги «Саноат» маҳалласида истиқомат қилаётган бу табаррук, пиру бадавлат инсонларга маҳалла аҳли ҳавас қилиб, «Илоё биз ҳам шу азиз инсонларга ўхшайлик», — деб ният қилишади. Ҳа, яхши инсонларни қанча тавоб қилинса, шунча савобдир.

Ғани хожи ота ҳозир бир кам 80 ёшдалар. Ҳали ҳам бардам, бақувват, эл-юрт хизматида ҳормай-толмай меҳнат қилаётирлар. Моҳитальат ая эса меҳнаткаш, меҳрибон, саранжом-саришта, оқила аёллардан.

Киройи инсонлар бўлса шунчалик бўлар. Биз шогирдлар устоз хонадонларига ташриф буюришдек бахтдан баҳраманд бўлаверайлик. Чунки бу табаррук хонадонда ҳамиша тўй, тантана яхши кунлар нишонланади. Устоз-мураббий изларидан бориб, муроду-мақсадимизга эришишни Оллоҳдан сўраймиз.

Юртимизга қутлуғ қадами билан кириб келган 2003 йилда биз ушбу ажойиб инсон, II жаҳон уруши ногирони, республика миқёсидаги пенсионер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ғани хожи ота ва Моҳитальат аяни аҳил, ибратли оилаларига узоқ йиллар бош бўлиб юришларини сидқидилдан тилаймиз.

**Ситорахон РАҲМОНБЕКОВА.**

**СУРАТДА: Ғани ота ва Моҳитальат ая набиралару эваралар даврасида.**

• ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

## САОДАТ МАНЗИЛИ

Ёшликдан ҳамшира бўлишни орзу қилардим. Онажоним менинг орзуларимга қўшқанот бўлиб:

— Илоҳо, орзуингга эришгин қизим, бунинг учун яхши ўқишга, ширинсўз бўлишга ҳаракат қил! Чунки ҳамшира беморга дардга берувчи инсон, хушмуомаласи билан уни даволаши лозим-да, — деб таъкидлардилар.

Икки йил ўқишга киролмадим, аввалига жуда тушкунликка тушдим. Сўнг ўз-ўзимни шу касбни эгаллашга тайёрладим. Касалхонада фаррошлик қилдим. Ҳамширалар ишини кузатдим. Шифокорларга ҳавас қилиб, уларнинг муомала маданиятларини ўргандим. Хуллас, бу йил ўқишга кириш менга насиб этди. Бу бахтдан беҳад хурсандман. Ҳозирги кунда ўқишдан сўнг, навбатчи бўлиб, касалхонада оқ халат кийиб, беморларга хизмат қилмоқдаман.

— Қизим, дедилар бир куни онам, бўйинг етиб қолди, совчилар келяпти. Сени узатсак. Юрагим «шув» этиб кетди. Ўқишим-чи! Янги оилада ҳолатим қандай бўларкин? — деб ўйладим. Ота-онам менга: «Қизим, ҳаммаси ўзингга боғлиқ. Эрта туришни одат қилгин. Қайнота, қайнонанг, қайин-бўйинларингга астойдил хизмат қилгин, иззат-икромларини жойига қўйсанг, ҳаммаси яхши бўлади», — деб насиҳат қилишди.

Биринчи совчи Оллоҳ томонидан юборилади, деб мени биринчи сўровчиларга унаштирдилар.

Тўйимиз ўтганига ҳам анча вақт бўлди. Янги оилада янгича ҳаёт давом этмоқда.

Қайнонам юрак хасталиги билан тез-тез касалхонада ётадилар. Уй юмушлари менинг зиммамда. Ўқишим анча мураккаб, гоҳида тун бўйи дарс тайёрлашга тўғри келади. Шунда ота-онам насиҳатларини такрор-такрор эслайман. Меҳнатсеварлик ҳар қандай кишининг қийинчиликлардан эсон-омон ўтиб олишига ёрдам берар экан. Ҳозир қайнона ойим анча тузалиб, тетиклашиб қолдилар. Улар фахр-ифтихор билан:

—Келинимнинг оёғи қутлуғ келди. Оиламизда кетма-кет дилхушлик бўлмоқда. Адасига ишхоналаридан мукофот беришди, кичик ўғлим институтга ўқишга кирди, қизим Ҳасан-Ҳусан туғди, ўзим анча тузалиб қолдим, — деб хурсанд бўлиб гапирдилар. Бу гаплар менга қанот бағишлади. Ўқишларим аъло, уй ишларини ҳам иложи борича ўз вақтида ва сифатли бажаришга ҳаракат қиламан.

Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларимда бир мақола ўқиган эдим. Мақолада: «Саодат манзили бор, лекин унга етиш анча қийин, бунинг учун сабр, бардошли, иродали бўлиш зарур», дейилган эди. Мен ўша саодат манзилига қадам қўйдим. Худо хоҳласа, ўша манзилга етаман, деб умид қиламан.

Бирга ўқиётган дугоналарим ҳам бирин-кетин турмушга чиқиб келин бўлишди. Биз баъзи вақтларда янги оиладаги турмуш тарзимиз ҳақида суҳбатлашиб қоламиз. Не қулоқ билан эшитай, улар ўз оилаларидан шикоят қилиб:

—Қайнонам ундай, қайнотам бундай, эрим лапашанг, — деб уялмай-нетмай уйдаги сирни кўчага ошкора қилишади. Ҳахотки бир оилада ҳам қайнота, ҳам қайнона, эри ёмон бўлса. Бундай бўлиши мумкин эмас. Ота-онам айтганларидек, ҳаммаси инсоннинг ўзига боғлиқ экан, яхши десанг яхшилик-яхшиликка уланар, ёмон десанг ёмонлик оёқ остидан чиқиши турган гап экан. Бир дугонамиз 4 ой турмуш қилиб, эридан ажралди. Бир дугонамиз уйига кетиб қолди. Яна бири ўқишини ташлади.

Мен ҳали жуда ёшман. Ҳеч кимга насиҳат қилишим мумкин эмас, лекин турмуш деганлари шунчалик мураккаб эканки, бу довондан ошиш учун ақлни ишлатиш, «Етти ўлчаб, бир кес» мақолига риоя қилиш, сабр-тоқатли бўлиш лозим, деб биламан.

Ҳурматли муштарийлар, Мунаввар исмли бир қиз бу гапларни, ўз ҳаётидаги баъзи лавҳаларни менга айтиб берди. Мен эса сиз азиз қизларимга етказишни лозим топдим. Чунки биламанки, ҳар бир инсон саодат манзилига етишни орзу қилади. Орзуга етиш учун Мунаввар каби зукко бўлиш, қийинчиликларни ақл, фаросат билан бартараф этиш йўлини излаш даркор. «Интилганга толе ёр» деб бежиз айтилмаган-ку!

**Қумри АБДУЛЛАЕВА, педагогика фанлари доктори, профессор.**

